

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 53-54 (10.862 — 10.863)

Баҳоси эркин нархда

ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 19 МАРТ КУНИ ОҚСАРОЙДА СЛОВАКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРИ ЯН КУБИШНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Сиз билан узоқ вақтдан буён танишимиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ўзбекистон билан Словакия ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор.

Ўзбекистон — Словакия муносабатларининг сифати ва суръати икки мамлакатда ҳам юқори баҳоланади. Бу йил давлатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганига 14 йил тўлди.

2006 йилнинг июль ойидан Словакия Республикаси ташқи ишлар вазири сифатида фаолият юритиб келаётган Ян Кубиш кўп йиллик дипломатик тажрибага эга. У қатор нуфузли халқаро ташкилотлар — БМТ, ЕИ ва ЕХТТ органларида ишлаган.

Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон Республикаси билан Словакия Республикаси ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятлардан самаралироқ фойдаланиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

“Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда аниқ йўналтирилган ва табақалашган ёндашувни янада кучайтириш, кам таъминланган оилаларни зарур моддий ёрдам кўрсатиш орқали қўллаб-қувватлашни таъминлаш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизими ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш ва ҳақ тўлаш механизмининг такомиллаштириш, шунингдек, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, болали эҳтиёжманд оилаларга, икки ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан банд ишламаётган оналарга нафақа ҳамда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан:

ижтимоий адолат, ҳолислик ва ошқоралик тамойилларига қатъий амал қилиш; кўрсатилган моддий ёрдамнинг аниқ йўналтирилишини таъминлаш, уни ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга бериш, боқимондаликка йўл қўймаслик, оилалар даромади ва мол-мулкни ҳар томонлама ҳисобга олиш; ахратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш асосида амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар, туманлар ҳокимликлари нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ҳамда тўлаш бўйича белгиланган тартибга риоя қилиш устидан қатъий назорат амалга оширилишини таъминласин.

2. 2007 йилнинг 1 сентябидан: давлат бюджетидан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳажминини, аниқ вақтда уни тайинлаш ва тўлаш муддатини 6 ойгача узайтириш ҳолда, 1,5 бараварга; “Мурувват” болалар интернат-уйлари тарбиячилари, ўқув-ёрдамчи ходимлари ва санитар-энагалари иш ҳақи, аниқ вақтда бир тарбиячи учун иш меъёрини 15-18 нафар боладан 5-6 нафар боллага камайтириш ҳолда, ставкаларни тариф сеткаси бўйича бир разрядга кўтариш ҳисобидан;

болалар, қариялар ва ногиронларнинг “Мурувват” ва “Саховат” интернат-уйлари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган коллежлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди миқдори меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобидан 25 фоизгача оширилсин.

3. 2007 йилнинг 1 июлидан: уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари ходимларининг тариф ставкаларига 15 фоиз миқдорда қўшимча; жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахсларга:

лар учун ихтисослаштирилган коллежларда ногирон-ўқувчиларнинг бепул овқатланиши; уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимлари, шунингдек, ногирон болаларини уйда ўқитаётган педагоглар учун Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда энг кам иш ҳақининг 1 баравари, Тошкент шаҳрида 1,5 баравари миқдорда ойлик йўл ҳақи компенсацияси жорий этилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлари, идоралар, уюшмалар, компаниялар, ҳўжалик бошқарувининг бошқа органлари, корхоналар, ташкилотлар, хайрия жамғармалари, тadbirkorлик тузилмалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали эҳтиёжманд оилаларга ҳар томонлама қўшимча моддий ёрдам кўрсатсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилинган 2007 йилда ҳўжалик юритувчи субъектлар ва тadbirkorлик тузилмалари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юқорида кайд этилган мақсадлар учун ажратилган маблағлар даромад солиғидан тўлиқ озод этилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги 573-қарори билан тасдиқланган “Ижтимоий ҳимоя йили” Давлат дастурида 28 та “Меҳрибонлик” уйи, шунингдек, 86 та санаторий типидидаги ҳамда жисмоний ва руҳий ривожланиш орқанда қолган болалар учун мўлжалланган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларни капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, улар учун микроавтобуслар сотиб олиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча 8,2 миллиард сўм йўналтириш кўзда тутилганлиги эътиборда олинсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодий вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг болалар, қариялар ва ногиронларнинг “Мурувват” ҳамда “Саховат” интернат-уйлари, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказларини капитал таъмирлаш, жиҳозлаш, уларнинг таъминотини янада яхшилаш бўйича жорий йилда ушбу мақсадларга давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қўшимча 5,2 миллиард сўм йўналтириш ҳақидаги тақдир қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиққан ҳолда киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида Вазирлар Маҳкамасига тақдир қилинсин.

7. Мазкур Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 19 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Президент жаноблари, Ўзбекистон республикасининг барча дўст халқини ва мамлакатининг катта хурматга эга бўлган Президентини Ислам Каримовни яқинлашиб келаётган, фасли баҳор ибтидоси ва табиат ўйғонишини ўзинда мўжассам этган Наврўз байрами билан табрик-лаш менга катта мамнуният бағишлайди. Ушбу хуш айём муносабати билан мамлакатининг барча аҳолисига фаровонлик, тинчлик ва бахт тилаб, ўзимнинг эзгу истакларимни йўллаш мен учун катта ифтихордир.

Яқинда Шарқий Осиё мамлакатлари, жумладан, Корея халқи ой тақвими бўйича Янги йилнинг кириб келишини нишонлади. Ушбу кунда ҳамма хондонда албатта гуруч унидан тайёрланадиган аънавий “ток-кук” таоми пиширилади. Менга маълумки, мамлакатингизда ҳам Наврўз байрами кунини ундирган буддойдан аънавий “сумалак” тайёрланади. У кишига куч, қувват ва бардам руҳ бахш этади. Ушбу шодиёна кунда шахсан ўзим Сизга, ҳурматли Президент жаноблари ва

Ўзбекистоннинг барча халқига куч-қувват ва бардам руҳ Сизларни асло тарқ этмаслигини ҳамда у ёш давлатнинг мустақиллиги ва эгаменлигини мустаҳкамлашга ёрдам беришини изхор этишини истар эдим.

Сиз Жаноби Олийларининг яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон ҳукумати йиғилишидаги чиқишидан Корея матбуотида эълон қилинди ва мен у билан танишишдан катта қониқиш ҳосил қилдим. Мен ўзбек халқининг ўтган йили эришган катта муваффақиятларидан ҳамда миллий иқтисодиётини янада ривожлантириш ва ижтимоий ҳаётни яхшилаш юзасидан Сиз белгилаб берган 2007 йилнинг йирик вазифаларидан чўқур таъсирландим.

Менинг қатъий ишонимча, бутун дунёдаги тинчлик ва ҳавфсизлиқни қўллаб-қувватлаш учун Ўзбекистондаги иқтисодий гуллаб-яшнаш ва сиёсий барқарорлик бутун Марказий Осиё минтақасининг муваффақиятли таракқиётида ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Сизнинг томонингиздан киририлган анъанага мувофиқ, жорий

йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон қилинганга алоҳида эътибор қаратдим. Ва мен бунда энг муҳим, бош мақсадни, яъни Сизнинг оқилона раёқларингиз остида ҳамиятни янгилаш ва модернизациялаш, демократик ҳуқуқий давлат қуриш бўйича чўқур ишлар дастурини кўраман.

Объектив қийинчиликларга қарамай, Сизнинг мамлакатингиз ўз менталитети ва аънаваларини, шунингдек, демократия ривожланиши тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон фуқароларининг ижтимоий ва сиёсий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш ва уларни рўёбга чиқариш йўлида муҳим қадамлар ташлагани ва бу йўлни изчил давом эттираётгани Ўзбекистоннинг қадрдон ва самимий дўсти сифатида мени қувонтиради. Ўзбекистонга бу йўналишда янада муваффақият билан олға ҳаракатланиш истиғини тилашини истар эдим.

Самимий ҳурмат билан, Ли Ман СОН, Корея Республикаси Миллий ассамблеясининг собиқ спикери

XXI АСР САДОСИ БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Халқаро истеъмолчилар кунини муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbirkorликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, «Камолот» ЁИХ марказий Кенгаши ҳамда «Ўзстандарт» агентлигининг республика Синови ва сертификатлаштириш маркази ҳамкорлигида «Энг иқтидорли ёш истеъмолчи — 2007» республика кўрик-танловининг қўниги босқичи ўтказилди.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши 2006 йилнинг 24 июнида парламент юқори палатаси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ҳамкорлигини таъминлаш, назорат фаолиятини кучайтириш, барча бўғинлардаги депутатлар фаолигини ошириш юзасидан қарор қабул қилган эди. Нукус ва Ташхатой шаҳарларида, Қўнғирот, Беруний, Чимбой туманларида мазкур қарор ижросини таъминлаш масалаларига бағишланган амалий анжуманлар ўтказилди.

• Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида шоирлар, театр ижодкорлари ва китобхон ёшлар иштирокида «Баҳорни соғиниб» номли адабий кеча бўлиб ўтди.

• Жиззах шаҳрида касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг Наврўз байрамига бағишланган расмлар кўргазмаси намоиш этилди. Унда 50 нафарга яқин ёш мусаввир рангтасвир, компьютер графикаси ва графика йўналишидаги асарлари билан иштирок этди.

• Наврўз байрами кунлари Қорақалпоғистонда 124,5 гектар майдонда мева қўчатлари экилган бог-роғлар, 58,7 минг тул тоқ қўчатлари ўтказилган узумзорлар ташкил этилади.

ЖАҲОНДА

• Европа Иттифоқи Фаластин мухториятининг янги таркибдаги миллий бирлик ҳукуматини тан олишга ва у билан ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёрлигини маълум қилди. Бу ҳақда ҳозирда Европа Иттифоқига раислик қилаётган Германия маъмурияти эълон қилди.

• Россияда Сургутдан Самарага парвоз қилган «Ют эйр» авиакомпаниясига қарашли «ТУ-134» самолёти ноқулай об-ҳаво шароитларида аэропортнинг қўниш йўлкасига 400 метрларда чамаси етмасдан қўнаётган чоғида ҳалокатга учради. Самолётнинг ағдарилиши натижасида унинг саломидаги 57 нафар йўловчидан етти нафари ҳаётдан қўз юмди. Ҳозирда қора қутилар ўрганилмоқда. Ҳалокатнинг аниқ сабаблари эртага маълум бўлиши мумкин.

• Кеча Москванинг Шаболовка ҳудудидаги муҳандис Владимир Шухов томонидан ишланган ноёб инженерлик иншооти — радиотелеминоранинг қад ростлаганига 85 йил тўлди.

• Испанияда шаҳар ва посёлкаларда ноқонуний қурилишлар ва қурилушлардаги бошқа жиноятларга қарши қурашувчи янги махсус бўлима — Фуқаро гвардияси (жандармерия) тузилди.

• Халқаро Қизил Ҳоч қўмитаси берган маълумотларга кўра, Шри-Ланкада қочқинлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Фақат кейинги бир неча ҳафта ичида 15 минг қочқў ўз уйини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бунинг сабаби эса кейинги пайтларда «Тамил Илам озодлик йўлбарслари» айирмачилар гуруҳи жангарилари билан ҳукумат қўшинлари ўртасида қуролли тўқнашувлар кескин тус олаётганидир.

• Ироқ пойтахти Бағдод шаҳридан 200 километр узоқликда жойлашган Киркукда террорчилар томонидан амалга оширилган кетма-кет бешта портлаш 18 кишининг ҳаётига зомин бўлди.

• Россиялик сув спорти усталари Мьянмадаги Сув эверести деб номланувчи жуда мураккаб тоғ дарёсидан қайқалар орқали 20 кун давомида ҳаракатланиб, жаҳонда илк бор 280 километрлик масофани босиб ўтдилар. Ушбу мураккаб сафарга россиялик спортчилар уч йил давомида тайёрлик кўрдилар.

• Фин ҳаваскор астрономлари янги юлдуз қашф этдилар. Яъни Финляндия шарқидаги Варкауз шаҳрида яшовчи икки талаба ўқув телескопларида Галактика чегарасида энг янги юлдузни аниқлади. Ҳалокатли портлаш натижасида энг юқори даражада нур таратаётган ушбу юлдузнинг ёруғлиги қуёш ёруғлигидан миллиард мартагача катта бўлиши мумкин. Америка астрофизика маркази раҳбари Харвард-Смитсон фин талабаларининг юлдузини «SN2007» деб номлади.

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Гидрометеорология хизмати марказининг маълум қилишича, 21 март кунини Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан сеқундага 3-8 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 6-8, кундузи 16-18 даража илик бўлади.

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУҚУҲИ
СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ГЎЗАЛ ВА СУЛУВ БАҲОР, НАВРЎЗИ АЙЁМ АРАФАСИДА ЯНАДА ЧИРОЙ ОЧИБ, ЯШНАБ-ШАРМОҚДА. АТРОФГА БИР НАЗАР ТАШЛАНГ-А, АЗИМ ПОЙТАХТИМИЗ КЎЧА ВА ХИБОНЛАРИ, МАЙДОНЛАРИ, МАФТУНКОР БОГЛАРИГА ФАЙЗ ТЎЛИБ, ГУЛУ ЧЕЧАКЛАРГА, ЯШИЛЛИККА БУРҚАНМОҚДА. БУ БАҲОРНИНГ НАШИДАСИ, БУ НАВРЎЗНИНГ БИЗЛАРГА АТАЛГАН ТУҲФАСИДИР. НАВРЎЗ ХАЛҚИМИЗ УЧУН АРДОҚЛИ ВА СЕВИМЛИ БАЙРАМЛАРИМИЗДАНДИР. НЕГАКИ НАВРЎЗ ЯНГИ КУН ДЕМАК, ЯШАРИШ, ПОКЛАНИШ, ЯНГИЛАНИШ ДЕМАК. (Давоми 2- бетда).



# ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ХАРАКАТЛАРНИНГ ЮКСАК ЭЪТИРОФИ

**ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ТОШКЕНТНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ, ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВНИНГ «ТУРКИСТОН-ПРЕСС» АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ МУХБИРИГА БЕРГАН ИНТЕРВЬЮСИ ҲАМОН ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН КЕНГ ШАРҲЛАНМОҚДА.**

Жумладан, Кувайтда инглиз тилида чоп этиладиган «Kuwait Times» газетаси ўз саҳифаларида «Тошкент — 2007 йилда ислом маданияти пойтахти» сарлавҳали мақолани эълон қилди. У Президентимиз Ислам Каримовнинг «Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши халқимиз ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлди», деб айтган сўзлари билан бошланади. «Ўзбек замини минг йиллар давомида қадимий Ипак йўлининг муҳим бўғинларидан бирида, жаҳон маданиятлари кесишган чорраҳада жойлашган», — дея қайд этиди нашр. Кувайтдаги яна бир газета — «Ал-Кабас» ҳозирги пайтда Ўзбекистон пойтахтида қатор ислом таълими муассасалари, хусусан, маърифий ислом ҳамда ислом

меросини сақлаш борасидаги билимларни кенг тарғиб этаётган Тошкент Ислам университети фаолият кўрсатаётганига ўқувчилар эътиборини қаратади. «ISESCO қарори Ўзбекистон кўҳна маданий ёдгорликларини ва ислом меросини келгуси авлодлар учун сақлаш ва қайта тиклаш ишида улкан ҳисса қўшаётганининг эътирофи бўлди», деб ёзилади газета чиқишида.

Яна бир бошқа нашр — «Ал-Раъй» газетаси ҳам ISESCO қарори ва Президент И.А.Каримовнинг интервьюсини шарҳлар экан, шундай деб ёзади: «Ўзбекистон — бой ва қадимий тарихга эга бетакрор мамлакат. Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши нафақат Ўзбекистон, балки барча дўст мамлакатлар халқлари учун фахрланарга арзийдиган муҳим воқеалик сифатида талқин этилмоқда».

Нуфузли «Ас-Сийёса» газетаси Ўзбекистон Президентининг «Тошкентнинг ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши мамлакат ҳаётида улкан маданий-маънавий воқеа бўлибгина қолмай, балки катта масъулият юкловчи юксак эътироф ҳамдир», деган фикрларига тўла қўшилган.

Президент И.А.Каримов интервьюси Саудиянинг нуфузли нашрларидан бири ҳисобланган «Ал-Жазира» газетасида араб тилида, Эроннинг Россия, Марказий Осиё ва Кавказни ўрганиш бўйича маркази — «Ирос»нинг www.iras.ir сайтыда форс тилида, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Маданият институтининг

www.ecieco.org сайтыда эса инглиз тилида тўлалигича чоп этилган.

Қатар давлатининг Эрон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Солиҳ Иброҳим Ал-Қуварий Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича халқаро ислом ташкилоти ISESCO томонидан 2007 йилда Тошкент шаҳрининг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилингани боис Ўзбекистон Президентини берган интервью билан танишиб, ушбу муҳим воқеа муносабати билан ўзининг самимий табриклари битилган мактубини йўллади.

— Ислам маданияти ва цивилизациясини ҳамда ўзбек халқининг тарихий қадриятларини кенг тарғиб этишда муҳим ўрин эгалладиган кўҳна мерос — миллий меъморчилик дурдоналарини кўз қорачиқдай сақлаш ва қайта тиклаш юзасидан Ўзбекистон раҳбарияти ҳамда халқининг саъй-ҳаракатлари юксак эътирофга лойиқдир, — дейди қатарлик дипломати. — Шунинг таъкидлашини истардимки, бугун Ўзбекистон ислом ғояларини кенг тарқатиш борасида олдинги ўринларда бормоқда. Бу, хусусан, ўзбекистонлик олим ва экспертларнинг қадимий қўлёзмаларни ўрганиш борасида жуда катта ишларни амалга ошираётгани, қадимий мадраса ва масжидларнинг қайта тиклангани ҳамда ислом маданиятининг бебаҳо маънавий ва моддий қадриятларини муҳофаза қилиш ишига қўшаётган беқиёс ҳиссасида ўз ифодасини топмоқда.

«Жаҳон» АА

## МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ГЎЗАЛЛИК АЙЁМИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЭЗГУ ИШЛАР ИНСОН ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛИШНИ ЭЪТИРОФ ЭТИШ, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ АҲОЛИГА КЎРСАТИЛАЁТГАН БЕҚИЁС ҒАМХЎРЛИКНИ АМАЛДА НАМОЁН ҚИЛИШ, МОДДИЙ-МАЪНАВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРДА ҲАЁТГА БЎЛГАН ҚИЗИҚИШ ВА ЮКСАЛИШГА БЎЛГАН ИНТИЛИШНИ КУЧАЙТИРИШ МАҚСАДИДА КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ШАҲАР ХОТИН-ҚИЗЛАР ҚўМИТАСИ, ШАҲАР «ТАДБИРКОР АЁЛЛАРНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ» УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҲАМЗА ТУМАНИДАГИ «ЯНГИОБОД» МАҲАЛЛАСИНИНГ «АЛ-АВЛОД» ГУЗАРИДА «НАВРЎ — МЕҲР-ОҚИБАТ ВА ГЎЗАЛЛИК БАЙРАМИ» МАВЗУСИДА ШАҲРИМИЗ МАҲАЛЛАЛАРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ 500 НАФАР КАМ ТАЪМИНЛАНГАН, БОҚУВЧИСИНИ ЙЎҚОТГАН, ИЖТИМОЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ВА НОГИРОНЛАР УЧУН БАЙРАМ ДАСТУРХОНИ БЕЗАТИЛДИ.**



Тадбирда сўзга чиққанлар меҳмонларни байрам билан кутлаб, Наврўз юртимизга тинчлик, фаровонлик, тўқинлик олиб келишини, халқимиз орасида меҳр-оқибат, саховат,

мурувват сингари инсоний фазилатлар янада кенг ёйилишини тиладилар. Шунингдек, Наврўзимизнинг мазмун-моҳияти, улмас қадриятларимиз ҳақида фахр билан сўзла-

дилар. Тадбирда фахрий она-хонлар ҳам сўзга чиқиб, мана шундай дорилмомон кунларга етказганига шукроналар билдиришди.

Байрам тадбирида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар, ногиронларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди. Шу кун Наврўз таомлари билан безатилган дастурхон атрофида хаста кўнгиллар қалбига бир олам қувонч улашилди. Бундай меҳр-мурувват, хайру саховатдан диллар яйради. Айниқса, таниқли хонандалар ижросидаги қувноқ куй-қўшиқлар, жозибали рақслар байрам тадбирига ўзгача фазл қиритиб, даврага йиғилганлар дилини хушнуд этди.

— Биз ҳаммамиз Наврўз айёмини соғиниб, интизорлик билан кутамиз. Бу байрам барчамиз учун қадри.

дейди тадбир ташкилотчиларидан бири — шаҳар «Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш уюшмаси» раиси Озода Алиева. — Бугунги тадбирни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад ҳам инсонларга меҳр-мурувват кўрсатиш, инсонпарварлик, меҳр-оқибат каби туйғуларни шакллантириш, оммага ҳақиқий байрамона кайфият улаштириш, узоқ тарихга эга бўлган қадимий меросимиз ва бой қадриятларимиздан воқиф қилиш ҳамда халқимизга хос бўлган эзгу ниятларни имкон қадар кучайтиришдан иборатдир.

Дарҳақиқат саховатга йўғрилган байрам тадбирида кексаю ёшнинг қалби Наврўз шукҳи ва Наврўз суруридан кезис қувончга тўлди, меҳр-мурувватдан кўнгиллар тоғдек кўтарилди.

Дилором ИКРОМОВА

**В.УСПЕНСКИЙ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА МАХСУС МУСИҚА АКАДЕМИИ ЛИЦЕЙИДА ХАЛҚАРО ТАДБИРКОР СОВРИНДОРИ ВАЛЕНТИН ХАН ИШТИРОКИДА КОНЦЕРТ БЎЛИБ ЎТДИ.**

## БАЙРАМ НАВОЛАРИ

«Шукроналик» деб номланган маъруза концерт Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унинг очилишида таъкидланганидек, мамлакатимизда бир юз ўттиздан зиёд миллий ва элат вакиллари бир оила фарзандидек аҳилликда яшаб, Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қилмоқдалар. Барча соҳаларда бўлгани каби санъатнинг турли йўналишлари ривожига ҳам уларнинг муносиб ҳиссаси бор.

Наманган шаҳрида туғилиб вояга етган В.Хан дастлаб мусиқа билим юрти, сўнгра олий таълим даргоҳида санъат сир-асрорларини ўрганди. Хонанда ижодида ўзбек бастакорлари асарлари етакчи ўрин тутади. Республика ҳамда халқаро мусиқа кўрик-танловлари совриндори бўлган санъаткор махсус мактаб-интернатлар, Мурувват, Меҳрибонлик ҳамда Саховат уйларида ўтказилган хайрия концертларида ҳам фаол иштирок этади.

Концертда хонанда ижросида Наврўз айёмига бағишланган янги қўшиқлар янгради.

(ЎЗА)

## НАВРЎЗИ ОЛАМ ШУКУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Наврўзи биз нима учун севамиз? Негаки, Наврўз меҳр-оқибат, саховат, мурувват, гўзаллик, яшариш, яшнатиш каби хислатларни ўзида намён этувчи, барчани эзгуликка, бирдамликка, яхшиликка қорловчи байрамдир. Шунинг қувонч билан айтиш жоизки, Истиқлол туфайли ҳамда Юртбошимиз ташаббуси билан энг улғу ва миллий байрамимиз Наврўзимиз қайта тикланди. Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қадр топиб, эъзозланиб келмоқда. Бугунги кунда ёш авлод қалбига она Ватанга садоқат, миллий ва умрибўйи анъаналаримиз ва қадриятларимизга хурмат ҳиссини шакллантиришга муҳим эътибор қаратилмоқда. Зеро буюк аجدодларимиз, аллоҳларимиз ҳам ўз даврида Наврўзнинг мазмун-моҳиятини, аҳамиятини ёзма асарларида баён этиб мадҳ этишган. Улғу мутафаккир шоиримиз Алишер Навоий ҳам

«Хар тунунг қадр ўлубон,  
Хар кунунг ўлсин Наврўз»

дея бежиз айтмаганлар. Чунки Наврўз қадимдан инсонларга шодлик ва қувонч бахш этувчи, меҳр-мурувват, саховат кўрсатувчи байрам бўлган. Буюк алломаларимиз ҳам хар кунинг Наврўз бўлсин деганларидека катта маъно борлиги ана шундан.

Дилларимизга бир олам қувонч, чеҳраларимизга кулгу улашувчи бу айём нафақат инсонларга, балки табиатга ҳам ўз инъомларини тортиқ этади гўё. Борлиқни хушбўй ифорларга тўлдириб, дарахтларга оппоқ ва пушти маржонлар тақайди. Дала-бўғларга гўё яшил гилам, лолакзғалдоқлардан поёндозлар тўшайди. Чучумою, бинафшалар атридан диллар сархуш бўлади, ҳофизлар созида, бўлбўллар хонишида баҳор, Наврўз тараннумини ҳис этасиз. Қалбингизга ором бахш этувчи баҳорнинг майин шабадасию, қуёшнинг сержило нурларидан танангиз яйраб, Наврўз шукҳини юрак-юракдан туюсиз.

Мана, эрта тонгдан қарнай-сурнай наволари янграб, ҳамюртларимизни Наврўз халқ сайилларига қорлайди. Маҳаллаларда, қорхона-ташкилотларда, кўйингчи, ҳамма-ҳамма жойда Наврўз тантаналари бошланиб кетган. Катта дошқозонларда пирю бадавлат ва нуруний онахонлар, отахонлар дуоиси билан сумалак ва ҳалимлар пиширилмоқда. Байрам дастурхонлари Наврўз таомлари бўлган қўқ сомса, қўқ чучваралар, варақилар билан безатилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан кўмакка муҳтож инсонлар, ёлғиз қариялар, кам таъминланган оилалар, ногиронларга давлатимиз, хусусан, Юртбошимиз томонидан катта ғамхўрликлар кўрсатилмоқда. Уларга байрам совғалари тақдим қилинмоқда, кўнгиллари кўтарилмоқда. Бундай саховатпешалик, бағрикенглик, меҳр-мурувватлилик миллиятлараро дўстлик-қардошлик илпарини мустаҳкам боғлаган, меҳр-оқибатни қадрловчи халқимизга хос фазилатлардир.

Истиқлол қуёши нур сочган заминимиз узра Наврўзи олам кезар экан, дил-дилдан ниёт қиламиз. Илоҳий Наврўзимизнинг умри боқий бўлсин, қадимлари қўтулғу келсин, юртимизда тинчлик, оқсоқиллик барқарор бўлсин, дилларимиз пок туйғулар ва фақат эзгу ниятлар ила мунаввар бўлсин. Наврўзингиз муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

Гулором ҲАМИДОВА



Миробод туманида фаолият кўрсатаётган «Табассум қандолатлари» хуусуий қорхонаси тадбиркор раҳбари Табассум Абдуллаева ҳам юртимизда соҳа ривожига қаратилган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланиб меҳнат қилар экан, дилдаги эзгу нияти аҳоли дастурхонини сифатли ҳам рақобатбардод қандолат маҳсулотлари билан таъминлаш, ички бозорда муҳим ўринга эга бўлишди. Шунинг алоҳида таъкидлаша бўладики, ўтган қисқа фаолият давомида ўз харидорларини топган қорхона маҳсулотларининг турлари бир неча баробарга ортиб, мамлакатимиз худудларидан буюртмалар кўпайди. Юртимизнинг чекка—Қорақалпоғистон республикасига ҳам махсулот етказиб берилганлиги бунинг исботидир.

— Албатта, маҳсулотларимиз сифатига қаратилган эътибор ички бозордаги ўрнимизни топшида катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз, — дейди Табассум Абдуллаева. — Шу боис ҳам чехларимизга ўрнатилган хориж дастурхонлари қувватидан самарали фойдаланиб, қандолат маҳсулотлари турларини бозорни, харидор дид ва эҳтиёжини ўрганиш асосида кўпайтириб бораямиз. Чехларимизда 15 нафар гайратли йигитлар фаолият кўрсатади. Маҳсулотларимиз турлари эса 15 хилдан зиёд бўлиб, айниқса мазали булоч-

ка, пирожний, вафли ҳамда турфа пемчеларимиз пешма-пеш буюртмачиларга етказиб берилмоқда. Наврўзи олам арафасида эса ха-



ридорларимизга бир неча турдаги янги маҳсулотларни тортиқ этдик. Буларнинг барчаси маҳаллий хом ашёдан тайёрланиб, ҳеч қандай кимёвий моддалар қўшилмайди, экологик тоза маҳсулотлар ҳисобланади. Ҳамма ҳам дердик, шубҳасиз, изланганга ҳаммиса толе ёр бўлаверади.

«Ҳамкорбанк»дан олинган кредит эвазига янги чех очилди ва қўшимча ишчи ўринлари яратилди, замонавий дастурхон сотиб олинди. Шу боис ҳам жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, харидорлар сафи ҳам кенгайди, мамлакатимиз вилоятлари савдо шохобчалари билан ҳам шартномалар тузилмоқда.

Қорхона раҳбари Табассум Абдуллаева жорий йилдаги «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг Миробод туман босқичида ўз маҳоратини намойиш этиб, «Энг яхши тадбиркор аёл» номинацияси галиби бўлди. Албатта, рағбат келгуси муваффақиятлар, яхши изланишлар, юксак мақсадлар учун муҳим пойдевор ҳисобланади. Шу боис Табассум Абдуллаева ҳам ўз танлаган йўлини давом эттириб, иқтисодийлик ривожига, юртимиз бойлигига, аҳоли дастурхонини тўқинлиги учун изланишларни давом эттирмоқда. Яқин келгусида яна бир янги чех очиб, ўлкаимизнинг сархил мева ва сабзавотларини қайта ишлаш асосида дармондориларга бой табиий шартлар ишлаб чиқаришни қўлаб турибди. Нима ҳам дердик, шубҳасиз, изланганга ҳаммиса толе ёр бўлаверади.

Шарифа ИЛЁСОВА  
**СУРАТЛАРДА: қорхона чехларида тайёрланаётган мазали маҳсулотларда қандолатпазларнинг ҳиссаси катта.**

Наталья Семёнова олган суратлар

## СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Хиндистон ва Канада олимлари она сутининг аллергия касалликларига қарши курашувчи воситаларидан бири эканлигини қайд қилишди. Чақалоқлар икки гуруҳга бўлиниб, уларнинг бири она сuti билан, иккинчиси эса сигир сuti билан боқилган. Организмдаги ўзгаришлар ўрганиб борилар экан, она сuti эмган болаларда ҳаммиса бўлиб сақизз фоиз, сигир сuti эмган болаларда салкам 80 фоизи аллергик касалликларга учраши мумкинлигини тажрибаларда исботланди.

● Япон олимлари мамлакатда автомобиллар кўпайиши натижасида диабет касаллиги кўпайганлигини қайд қилишди. Бу ҳаракатсизлик, яёв юрмаслик, юк кўтармаслик ва шу каби бошқа ишлардан озод бўлиш сабабли деб топилди. Мамлакатда вақти-вақти билан ёқилги танқислиги кўчатиб машиналарда юриш қамайдган пайтларда диабет касаллигининг қамайиши юқоридаги фикримизга далил бўлади. Япон шифокорлари ҳам фаол ҳаракат билан диабетнинг тўғридан-тўғри боғлиқ эканлигини тажрибаларда исботлашди.

● Озарбойжон Фанлар академияси ноорганик ва физика кимёси илмгоҳининг олимлари нефть ва газни қайта ишловчи қорхоналардаги реакторларда технология жараёнини тўхтатмай туриб, саноат катализаторларини саралашнинг тежамкор усулини тақлиф этдилар. Янгилик Оренбург газни қайта ишловчи завод мутахассислари билан бирга ишлаб чиқилди ва ҳозирдаёқ жорий этилди. У гўёки реакторга назар ташлаш ва катализаторнинг ўз муддатини ўтаб бўлган қисмининг алмаштириш имкониятини яратди. Бу билан унинг асосий қисми хизмат муддатини узайтиради. Янги усулнинг экологик афзалликлари ҳам бор.

● Воронеждаги РИФ микроэлектроника тажриба заводи бўлимининг жамоаси «Калибри» радиостанциясини ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу фақат болалар учунгина овунчоқ эмаслиги маълум бўлди. Уни яратувчилар аввалгига ўйинчоқ сифатида тасаввур этгандилар, ана шу ўйинчоқ ёрдамида болалар ва ўсмирлар бир-бирлари билан алоқа қилишлари мумкин эди. Янгилик очиб жойда алоқа ўрнатилган имкониятига эга. 150 метр масофада телефон ва телеграф тарикасида ахборот қабул қилиш ва узатиш мумкин. Кўп қаватли уйлари куриш билан банд бўлган бинокорлар худди шундай радиостанцияга муҳтож эдилар. Улар ана шундай сўзлаштириш қурилмалари учун буюртма бердилар.

● Хиндистоннинг Хайдаробод шаҳрида 29 ёшли актёр Шринингас узлуқсиз тақлид қилиш юзасидан жаҳон рекорди ўрнатди. У Гиннес рекордлар китобига киришдан иборат ўз орзусини амалга ошириш учун қарий 500 кишилик ташаббускор томошабин иштирокида 32 соат давомида таниқли сиёсат арбоблари ва кино юлдузларини масҳаралади, турли қуш ва ҳайвонларнинг овозини ўхшатибди.

● Японияда моторини қуёш ҳаракатга келтирадиган дастлабки автомобиль йўл ҳаракатининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида рўйхатга олинди. Таниқли «Тойота» автомобиль концерни мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ғалати машина эгасига «Нагоя шаҳри» йўл ҳаракати хизмати вакиллари рўйхатга олганлик ҳақида номер бердилар. «Қуёшмобили»нинг электр мотори қуёш нури электр энергиясига айлантириш ҳисобига ҳаракатга келтирилади. Машина томига ўрнатилган қуёш батареяси шунингдек аккумуляторларга қувват беради, бу энергия автомобилдан ҳаво булут пайтида ёки тунда фойдаланилганда сарфланади.

● Телевизор олдидан ўтириш сизнинг соғлигингизга зарар келтириши мумкин. Калифорния университетидека меҳнат қилаётган педиатор Куртголд ҳар бир Америка телевизорига шундай оғохлантириш ёзилган қоғозни елимлаб қўйиш керак, деб тақлиф қилди. Икки ёшгача 20 ёшгача бўлган 1066 мижозни текширган Куртгольд ҳар кун телеэкран олдидека 2 соат ва ундан кўпроқ бўлган болалар ва ўсмирларда қондаги холестерин моддаси телевизор кам кўрган тенгдошларига нисбатан икки баравар кўп бўлишини аниқлади. Бу эса организмда модда алмашинувининг бузилишига олиб келади.

● Узоқ йиллар давомида фалакшунос олимлар Сомон йўли юлдузлар туркумига кирувчи Қуёш масса жиҳатидан энг енгил эканлигини тасдиқлаб келар эдилар. Аммо Принстон доирлфунунининг фалакшунос олимлари Галактикамизда Қуёшдан ҳам енгил юлдуз мавжуд эканлигини аниқладилар. Бу юлдузнинг ҳажми оловли сайёрадан бир неча баравар катта бўлса-да оғирлиги жиҳатидан 50 мартага енгил бўлиб чиқди. Ушбу тадқиқот Ауэрто-Рико оролига ўрнатилган «Аресибо» радиотелескопи ёрдамида ўтказилди.

● Бир гуруҳ фаввослар Тинч океандаги Матаги ороли яқинида жойлашган сувоти горларидан бирида тўртта ўта қадимий ҳайвонлар қолдигига дуч келишди. Денгиз ҳайвоноти ва набототи билан шугулланувчи мутахассиснинг айтишича, буйи 8-10 метр, бош суягининг узунлиги 1 метрдан ортиқ жониворлар ҳеч бир сув ҳайвонларини еслатмайди. Фаввосларни ҳайратга солган топилмаган суратга олиниб, олимлар ихтиёрига ҳавола қилди.

● Америкалик олим Фрэнк Флуднинг айтишича, мусиқа юраги хаста кишиларга яхши кайфият бағишлайди. Ёқимли куй беморларда тушқунлиқни йўқотади. Касаллик туфайли пайдо бўлган ваҳима ва хавотирни унуттишга ёрдам беради. Японияда эса ғалати қузатув ўтказилган. Агар эмизикли аёл классик куйларни тингласа болага меҳри ортар, жаз ва замонавий мусикалар эса уни қамайтирар экан.

# АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!



Ўлкамизга файз-тароват ила кириб келаётган янгилашиш ва меҳр-оқибат айёми

## НАВРЎЗИ ОЛАМ БАЙРАМИ

барчангизга муборак бўлсин.

Хонадонларингиз обод, кўнгиларингиз шод, йўлларингиз равон, турмушингиз фаровон бўлишига тилакдошимиз.

Серқуёш заминимиз янада гуллаб-яшнайверсин.



**«ТОШШАҲАРТРАНСХИЗМАТ»  
УЮШМАСИ ЖАМОАСИ**



# АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!



Ўлкамизга файзу барокат билан кириб келаётган қутлуғ айём — Наврўзи олам билан сизларни чин дилдан муборакбод этамиз. Ишларингизга улкан ривож ҳамда дилларингиздаги барча эзгу ниятлар рўёбга чиқишига тилакдошимиз.

**«ЭЪТИҚОД»**

хусусий корхонаси жамоаси

Маҳсулотлар сертификатланган



# «ЗАРГАРЛАР»

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ

барча  
юртдошларимизни

*Наврўз  
айёми*

билан  
самимий  
қутлайди.

Юртимизда  
тинчлик ва  
осойишталик  
доимо барқарор  
бўлсин!

Хонадонларимиздан  
меҳру оқибат, файзу  
барака аримасин!



**ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ САВДО,  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА ХАЛҚ  
ИСТЕЪМОЛИ МОЛЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ  
ДЕПАРТАМЕНТИ**

юртдошларимиз ва шаҳримиз меҳмонларини, савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ходимларини меҳр-оқибат айёми —

## Наврўз байрами

билан чин қалбдан қутлайди.

Дастурхонингиз ҳамisha тўкин-сочин бўлиб, хонадонингиздан қўт-барака аримасин, баҳорий кайфият йил бўйи ҳамроҳингиз бўлсин, азизлар!



Ҳамшаҳарларимиз  
ҳамда пойтахтимиз  
меҳмонлари манзилени  
яқин қилишга муносиб  
ҳисса қўшаётган



### «8-АВТОБУС САРОЙИ»

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ



барчангизни  
миллий  
қадриятларимиз  
эъзози — Наврӯз  
айёми билан қизгин  
табриклайди.

Шодиёна шукуҳи йил бўйи  
ҳамроҳингиз бўлсин!



### «ТОШБОЗОР ТАЙЁРЛОВ САВДО» УЮШМАСИ ЖАМОАСИ

Ўзининг зар сепларини ёйиб  
яқинлашиб келаётган фусункор баҳор  
байрами —

### НАВРҮЗИ ОЛАМ

шодиёналари билан барча  
юрташларимизни қизгин қутлайди.



Оилавий бахт-саодат, дастурхонингиз доимо тўкин,  
муштақкам сиҳат-саломатлик ёр бўлишига тилақдошимиз.

Қадрли ҳамшаҳарлар ва пойтахтимиз меҳмонлари!



## «Автотуртранс»

МЧЖ ЖАМОАСИ



янгиланиш ва яшариш  
рамзи — Наврӯзи  
олам билан барчангизни  
чин кўнгилдан табриклайди.

### НАВРҮЗ

байрамнинг қувончли кунларида  
ҳар бир хонадонга  
бахт-саодат тилаймиз.  
Эзгу ниятлар ҳамиша  
сизларга йўлдош бўлсин.



**КУРАШ ХАЛҚАРО АССОЦИАЦИЯСИ  
ЖАМОАСИ**

**пойтахтимиз меҳнаткашлари  
ва юртдошларимизни табиат  
уйғониши тимсоли, баҳор  
ва гўзаллик байрами –**

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

*билан самимий муборакбод этади.*

*Наврўз ҳар бирилизга бахт-саодат,*

*хонадонларимизга*

*қут-барока, қалбларимизга*

*олам-олам қувонч олиб келсин.*

**ОНА-ЮРТИМИЗНИНГ АЛП ЎҒОНЛАРИ, БАРЧИНОЙДЕК СУЛУВ  
ҚИЗЛАРИ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!**


Фаслар келинчаги  
Баҳорой юртимиз узра ўз  
гўзаллигини кўз-кўз  
қилаётган  
қулларда биз учун қадрли

**Наврўз**

байрамини дилда  
шукроналик ва севинч билан  
қаршилаймиз.

Шундай қутлуғ қулларда  
янги кун, янгиланиш ва  
яшариш айёми билан сиз  
азизларни  
муборакбод этамиз.

Ҳамиша соғлиқ-саломатлик  
гарови бўлган спорт билан  
ошино бўлайлик,  
фарзандларимиз жисмонан  
соғлом, бақувват,  
эртамининг Алпомишу  
Барчинойлари  
бўлиб вояга етсинлар.



**Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси  
Тошкент шаҳар филиали жамоаси**



Россиянинг Ўзбекистондаги

**«ЎЗМИЛАНА»**

шўъба корхонаси жамоаси.



*азиз юртдошларимизни, азим пойтахт  
аҳолиси ва меҳмонларини  
умрбоқий байрам –*

*Наврўз айёми билан чин қалбдан қўтлайди.*

*Дилларингиздаги барча эзгу ниятлар амалга  
ошишини, хонадонларингизга тинчлик ва  
хотиржамлик, оила аъзоларингизга сиҳат-  
саломатлик, бахту саодат  
ёр бўлишини тилаймиз.*



Маҳсулотлар сертификатланган



**«ONIKS»**

**ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ҚАДРЛИ  
ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!**



**Фусункор ва тароватли**

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

**тантаналари барчангизга  
муборак бўлсин!**

**Меҳр-оқибат ва эзгулик айёмида  
сизларнинг хонадонингизга  
хотиржамлик,**

**дастурхонингизга қут-барока,  
оилангизга бахт-саодат тилаймиз.**



**«ОНИКС» акциядорлик  
жамияти жамоаси**

Маҳсулотлар сертификатланган

*Диллари эзгу ниятга  
тўлиб шоқиёна айём —*

# Наврўзи оламини

*нишонлаётган азиз юртдошларимиз, қадри  
ҳамшаҳарларимиз!*

*Циркокий ва фусункор, азалий  
қадриятларимиз улғиғини ўзида акс  
эйтириб ташриф буюраётган кўнлиз  
шоқиёна баргатиғизга нуборак бўйсин.  
Баҳорий ҳуш кайфият ва теҳр-оқибат  
ҳамиша ҳамроҳингизга айлансин.*



AK «UZBEKTELECOM»  
«TOSHKENT SHAHAR  
TELEFON TARMOGI» ФИЛИАЛИ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**2007-2008 йилги иситиш мавсумига сифатли тайёргарлик кўриш мақсадида, 2007 йилнинг 3—13 апрелигача Тошкент шаҳрида истеъмолчиларни иссиқ сув бўйича чекламаган ҳолда иссиқлик тармоқларини механик чидамликка ва зичлик (юқори босимга)ка синовлари ўтказилади.**

- 1-ИМ (М-1)  
4 апрел куни — акад.Х.Абдуллаев, Рахматуллин, Ж.Обидова, Ф.Хўжаев, Мўминов, Мухитдинов кўчалари, Яланғоч, Бўз-1 турар жой мавзелари, ТошГРЭС кўрғони.
- 1-ИМ (М-4)  
4 апрел куни — Буюк Ипак йўли, акад. Х. Абдуллаев, Рахматуллин, Доғистон, Сайрам, Иргашев, Ф. Хўжаев, Мухитдинов кўчалари, Тошселимаш, Чизельний, ген.Петров турар жой мавзелари.
- 2-ИМ  
11 апрел куни — Т.Малик, Иркутская, Матқобулов, Ш.Бурхонов, Қодиров кўчалари, Қора-сув-1,2,3,4,6, Хумоюн, Феруза, Бўз-2 турар жой мавзелари, Геофизиклар кўрғони.
- 3-ИМ  
3 апрел куни — Беруний, Ўзбекистон, Ниёзов, А.Хўжаев, Фурқат, ген.Узоқов, Самарқанд дарвоза кўчалари, Навоий, Абай, Халқлар Дўстлиги, Космонавтлар шоҳ кўчалари, Чорсу, Қоратоп, Беруний, Олмазор, Бешёғоч, Ц-10,14,11, Ц-26,27,28, Б-1, Б-2, Б-3 турар жой мавзелари.
- 4-ИМ (М-0)  
9 апрел куни — А.Темур, Х.Асомов, Иргашев, Г.Мавлонов, Муртазоев, Хуршид, Ж.Обидова, Оққўрғон, Бодомзор, Х.Олимжон, Пушкин кўчалари, Пушкин-Салор, Пушкин-Пишпек, Ц-5,6 турар жой мавзелари, Х.Олимжон майдони.
- 4-ИМ (М-1)  
9 апрел куни — Ҳасанов, Ф.Фулом, Шамсутдинов, Бобононов, Хуршид, А.Қодирий, А.Ҳидоятлов кўчалари, Ц-17,18 (Себзор), Тахтапул, Ц-12,13,15, Қора-Қамиш-1/1, 1/2, 1/3, 1/4 мавзелари.
- 4-ИМ (М-4,8)  
6 апрел куни — Юнусобод мавзеси 1 — 19-дахалар, А.Темур, Каймаков, А.Дониш, Муродов, Юнусобод, Соҳибкор, Ж.Обидова, А.Зокиров, Шахристон кўчалари.
- 5-ИМ  
10 апрел куни — Чилонзор мавзеси 5 — 12,Ц,Г9А,16 — 20А,26-дахалар, Дўмбробод, Оқтепа, Қизил шарк, Ал-Хоразмий-1,2, Гулистон мавзелари, Заргарлик, Муқимий, Фарход, Чўпонота, С.Мираҳмедов, Наққошлик, Новза-
- Қозиробод, Лутфий кўчалари.
- 6-ИМ  
9 апрел куни — Мунис, У.Олимбеков, Бехтерев, Янги замон, А.Фитрат, Фаргона йўли кўчалари, Кўйлик-1 — 7, Кўйлик айланма йўли мавзелари.
- 7-ИМ  
6 апрел куни — Лисунов, Шолохов, Бирлашган, Элбек, Слоним, Курувчилар кўчалари, "Галабинг 40 йиллиги"-1,2,3,4, ДСК-1, Слоним-1,2 мавзелари, "Авиакорувчилар" шаҳарчаси худуди.
- 8-ИМ  
3 апрел куни — Сергели-1 — 8А, Спутник-8,15,16,17, Дўстлик-1,2 мавзелари.
- 9-ИМ  
4 апрел куни — Чилонзор мавзеси 13-15, 15А, 21дан 24,30,31гача бўлган даҳалар, Қизил шарк, Ал-Хоразмий-2, Гулистон, Бешқайрағоч мавзелари, Х. Турсунқулов, Раҳимбобоев, Ширин, Лутфий кўчалари.
- 10-ИМ  
12 апрел куни — Форобий, Беруний, Мухбир, Мирзо Фолиб, Чимбой, Қамарнисо кўчалари, Шифокорлар шаҳарчаси, Талабалар шаҳарчаси, Чимбой, Жарарик, Қора-Қамиш-2/2,2/3,2/4,2/5, Тансиқбоев-1,2,3, ТошДУ-ТошТУ, Олимпия, Ибн Сино- 1,2, Белтепа турар жой мавзелари.
- ИЭМ (М-0)  
13 апрел куни — Бобур, У.Носир, С.Мираҳмедов, Арнасой, Ш.Исломов, Афросиёб, Муқимий, Аския, Чўпонота кўчалари, Ц-7, Чилонзор-1,2,3,4,5, Е.И мавзелари, Рашидов шоҳ кўчаси.
- ИЭМ (М-5,8)  
11 апрел куни — Бобур, Глинка, Афросиёб, А.Темур, Нукус, Мовароуннахр, Лоҳутий, Т.Шевченко, Шахрисабз, Я.Фуломов, С.Толипов, Х.Умаров кўчалари, Ц-1,2,4,5, Қушбеги, Бошлик, Авиашаҳарча мавзелари.
- "Водник" қозонхонаси  
12 апрел куни — "Водник" мавзеси, Х.Бойқаро кўчаси
- "ТТЗ" қозонхонаси  
5 апрел куни — ТТЗ-1,2,2А, 4, Югнакий мавзелари, Аҳиллик, Гулсанам, Белоножко, Буюк Ипак йўли кўчалари

"Саноатэнерго" қозонхонасининг таъсир доирасида 5 апрел куни иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

"Саноатэнерго" қозонхонаси  
5 апрел куни — "Строитель" турар жой мавзеси.

Курувчилар шикастланиши, кўчанинг катнов қисмига ва пиёдалардан йўлакларига иссиқ сув сачраши ва тошиши мумкин, ҳайдовчилар ва пиёдалардан эҳтиёт бўлишларини сўраймиз. Ноодатий ҳолларни сезишингиз билан 361-32-32 телефонига хабар беришингизни сўраймиз.

Куйидаги иссиқлик марказларини тўлиқ баҳорги тўхтатиш режалаштирилмоқда:

1-ИМ "Шимолий-Шарқий"	- 9дан 13 апрелгача
2-ИМ "Қорасув"	- 16дан 20 апрелгача
3-ИМ "Харбий"	- 9дан 13 апрелгача
4-ИМ "Шимолий"	- 16дан 20 апрелгача
5-ИМ "Чилонзор"	- 23дан 27 апрелгача
6-ИМ "Жанубий-Шарқий"	- 23дан 27 апрелгача
7-ИМ "Авиакорувчилар"	- 16дан 20 апрелгача
8-ИМ "Сергели"	- 16дан 20 апрелгача
9-ИМ "Янги Чилонзор"	- 9дан 13 апрелгача
10-ИМ "Шимолий-Фарбий"	- 23дан 27 апрелгача
"Водник" қозонхонаси	- 30 апрелдан 4майгача
"ТТЗ" қозонхонаси	- 21дан 27майгача
"Саноатэнерго" қозонхонаси	- 30 апрелдан 4майгача
ТошИЭМ	- 30 апрелдан 4майгача

Тўхтатиш даврида иссиқлик марказларининг юқорида кўрсатилган йўналишларидаги таъсир доирасида иссиқ сув таъминоти бўлмайд.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

«Municipal Aukcion Markazi» сизларни 2007 йил 24 апрель, 1,8,15,22,29 май кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Савдога Тошкент шаҳар ҳокимияти бинолардан фойдаланиш департаменти тасарруфидаги Миробод тумани, Мовароуннахр кўчасида жойлашган, умумий майдони 282.28 кв.м Тошкент куранти биносининг бир йил муддатли ижара ҳуқуқи кўйилади.

Ушбу бинонинг бир йиллик ижара ҳуқуқининг бошланғич нархи 23 390 674.71 сўм.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул қилиш савдодан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдога қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автомобилотранспорт воситаларининг бошланғич нархидан 10 фоизи миқдорда закат пулини савдо ташкилотчиси «Municipal Aukcion Markazi» халқ банки шаҳар бўлимидаги МҲО 00821, СТИР 300053338, 20208000804555055001 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани М-14, 19-уй.  
Телефон: 144-88-04  
Гувоҳнома: № 001568-09**

Тошкент шаҳар С.Рахимов туманидаги 15-мактаб томонидан 1991 йили Чупанова Марина Ибадуллаховна номига берилган А№ 517008 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 133-28-95. Факс: (3712) 133-21-56. Манзил: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Мунажжим башорати

## НАВРЎЗИ ОЛАМ-ЯШАРИШ КҮНИ

21 МАРТ, ЧОРШАНБА

Бугун баҳорги тенгқунлик куни, кўёш Балиқ буржидан Кўй буржигача ўтадиган кун. Олам ва табиат яшарадиган, инсонлар қалбига ҳадсиз-ададсиз қувончу шодликлар олиб кирадиган табаррук кун. Бир жиҳатдан у мақсадларга эришишда қийинчиликлар билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан тўсиқларни голибона ошиб ўтишимизни башорат қилади.

Бугун пухта уйланган, чуқур асосли ташаббусларда омад ёр бўлиши кўтилади. Ланжлик қилмаслик, бошқалардан ажралиб қолмаслик, иждоий ташаббускор бўлиш керак. Ой сайёрасининг бугунги ҳолати кейинги йўлингизни танлаш билан боғлиқ бўлиб, янги бир ишга қўл уришдан олдин етти ўлчаб бир кесишингизга тўғри келади. Ҳар қандай шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорлар яхшилиқ келтирмайди.

Шу куни ялтироқ буюмни топиб олиш катта омад келтирадиган яхшилиқ аломати ҳисобланади.

**БҮГҮН:**  
— муҳим бўлмаган кундалик ма-

шгулотлар билан банд бўлиш;  
— ўзингизни табиий ва камтар тутишингиз;  
— ўз ташқи киёфангиз ҳақида қайғуришингиз;  
— яқин кишиларингиз, ўзингиз сўйган уй жониворларига ғамхўрлик кўрсатиш;  
— вақтингизнинг кўп қисмини очик ҳавода, табиат кўйида ўтказиш;  
— меҳрибонлик ва сертавозелингизни намоён этишингиз тавсия этилади.

Ортиқча жиддий хатти-ҳаракатлардан, жанжаллашиш, ҳар қандай можароларда қатнашишдан, ўз хизмат ва бошқа бурчларингизга беписанд бўлишдан эҳтиёт бўлинг.

## ЎЗ КУЧИНГИЗНИ ОРТИҚЧА БАҲОЛАМАНГ

22 МАРТ, ПАЙШАНБА

Мунажжимларимиз бугун одамларда ўз имкониятларини ортиқча баҳолаш, ўзига бино қўйиш ҳиссиётлари кучлироқ бўлишини таърифлашган. Меркурийнинг Балиқ буржининг "бузғунчи" 4-даражасида бўлиши интеллектуал майдонда омад кўлдан чиқиб кетишини кўрсатади, дея таъбир қилишади яна улар.

Кўёш тақвимиининг 2-куни айниқса ўлчов тадбирлари, ўзаро фикр алмашишлар учун ҳамда ўзингиз учун фойдали янги билим ва кўникмаларни эгаллашда кулай келади. Танга ёки бошқа маъдан буюмларни топиб олиш бугун моддий йўқотишлар ва бошқа кўнгилсизликлардан дарак берувчи ноҳушлик белгиси ҳисобланади.

**БҮГҮН:**  
— келажакни кўзловчи янги ишларни бошлаб юбориш;  
— ўзингизга керакли одамлар, буюмлар ва жониворларни излашга киришиш;  
— транспорт ва коммуникацион муаммоларни бартараф этиш;  
— экологик ташкилотлар ходимлари, агрономлар, ўсимликшунослар билан мулоқотда бўлиш;  
— сув билан боғлиқ ҳар қандай тадбирларда қатнашиш, масалан, ҳаммом ёки чўмилиш хавзасига бориш, уйдаги кранни тузатиш;  
— турли муаммоларни халэтишда туйғуларингизга таяниб иш кўриш тавсия этилади.

Яқинларингиз, ака-ука, опа-сингилларингиз билан очик гаплашиш, худбинлигингизни намоён этиш, қорин атрофларида, томоқ ва белдаги оғриқларга эътиборсиз қарашдан эҳтиёт бўлинг. Зеро, бу оғриқлар жиддий касалликлар аломати бўлиши мумкин.

Тошкент Молия институти «Банк иши», «Лойиҳаларни молиялаштириш» кафедралари мудирлари ҳамда куйидаги кафедралар бўйича бўш (вакант) **Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти** доцент, катта ўқитувчи; **Иқтисодий назария ва иқтисодий педагогика** доцент; **«Чет тиллари»** катта ўқитувчи, **«Молия»** профессор, катта ўқитувчи; **«Банк иши»** катта ўқитувчи; **«Бизнес ва иқтисодиёт»** доцент, катта ўқитувчи; **«Молиявий таҳлил»** катта ўқитувчи; **«Аудит»** катта ўқитувчи; **«Бухгалтерия ҳисоби»** доцент, катта ўқитувчи; **«Менежмент»** катта ўқитувчи; **«Статистика»** доцент лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда фан номзодлари ва докторлари, профессорлар, доцентлар ва тажрибали ўқитувчилар иштирок этишлари мумкин. Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

**Танловда қатнашишни хоҳловчилар Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 7-уй, ТМИ ходимлар бўлимига мурожаат қилишлари мумкин.**

**Тел. 134-66-58**

## Спорт

### БОКСЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Эронда бокс бўйича ўтказилган нуфузли халқаро турнирда ўзбекистон терма жамоаси аъзолари муносиб иштирок этишди.**

Нуфузли мусобақа ўтказилган Осиёда рингга чиққан Олимпиада ўйинлари ва жаҳон чемпионати совриндори Баходир Султонов, Катарда ўтказилган Осиё ўйинлари ғолиби Элшод Расулов, Дилшод Махмудов ҳамда Бекзод Юнусов барча ракибларини мағлубиятга учратиб, шоҳсуپанинг энг юқори поғонасига кўтарилишди.

Терма жамоамиз аъзоларидан яна бири—Баходир Мамажонов финал йўлланмаси учун ўтказилган беклашувда рақибига имкониятни бой бер-

риб, учинчи ўринни эгаллади ва бронза медали билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида ўзбекистонлик чарм кўлоқ усталари фахрли иккинчи ўринни эгаллайди.

**Баҳор БЕК**

АСЛИДА У ЎЗИНИ МЕҲМОН ЭМАС, БАЛКИ ИШ ФАОЛИЯТИ ЮЗАСИДАН КЎП ХИЗМАТ САФАРЛАРИДА БЎЛИБ, ҚАДРДОН ЮРТИГА АЛБАТТА ҚАЙТИБ КЕЛАДИГАН МЕЗБОНДЕК ТАСАВВУР ҚИЛАДИ.

Степан Казарян — халқаро эксперт, ФИЛА — Халқаро кураш федерацияси ҳакамлар комиссияси аъзоси. Уни республикамизда ўтказиладиган Мустақиллик Кубоги, кураш бўйича бошқа кўплаб турнирларда учратиш мумкин. Бу сафар Степан Левонич Тошкентга Ўзбекистон миллий кураш федерацияси таркибидagi мураббийлар ва ҳакамлар учун мўлжалланган семинар дарслари раҳбари сифатида ташриф буюрди. Эслатиб ўтамиз, мазкур лойиҳа Халқаро Олимпия кўмитасининг олимпия бирдамлиги дастури бўйича Миллий Олимпия кўмитаси хомийлиги остида амалга оширилган. Шунинг ҳам айтиб ўтиш жоизки, ушбу дастур нафақат кураш, балки барча олимпия спорт турларини қамраб олган.

Биз учун қувонарлики шуки, Степан Казарян ҳар бир ташрифини бой таассуротлар билан ўтказди: мамлакатимизда, хусусан Тошкент шаҳри қиёфасидаги ўзгаришларни хайрат билан тилга олади.

— Ҳақиқатан ҳам шундай, — дейди Степан Казарян. — Ҳар сафар яқин ва қадрдон бўлиб қолган бу ажиб заминга яна бир бор қадам қўяр эканман, мени яхши маълум бўлган ва номаълум хиссиётлар чулғаб олади. Яъни бир томондан — бу ўзбекларнинг очик кўнгиллилиги ва меҳмоннавозлиги бўлса, иккин-

чи томондан — кўп қиррали меъморий ечими билан эътиборни тортадиган янги бинолар ва айниқса спорт иншоотларидир. Хайронман, буларнинг ҳаммасини қанон қуриб улгураётимиз?! Айтиш керакки, бугунги кунда бирон-бир мамлакатда Ўзбекистон каби спорт ривожига бундай аҳамият берилмаётди. Ушбу ижтимоий соҳанинг деярли ҳар бир қирраси — оммавийлик дейсизми, профессионал спортчиларни тайёрлаш, янги объектлар барпо этилиши, амалдаги спорт иншоотларининг моддий-техник негизини замонавийлаштириш, мураббийлар салоҳиятини юксалтириш бўладими — давлат сиёсати даражаси тўлиқ қамраб олинган десак муболаға бўлмайди. Халқаро ҳамкорлик ҳақида қанча гапирса оз... Колаверса, бунинг натижалари, аниқроғи ютуқлари кўзга яққол ташланади. Ўзбекистонлик йигит-қизлар турли спорт йўналишлари бўйича олимпиада, жаҳон, қитъа турнирларининг юқори чўққиларини бир марта эмас, кўп бора забт этган. Албатта, бу борада мамлакатингиз курашчилари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Шунинг алоҳида таъкидламоқчиманки, ўзбек полвонлари халқаро даражада эътирофга сазовор бўлган.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда сиз халқаро майдонда катта-катта марраларни қўлга киритдингиз. Ва бу авваламбор бе-

восита Президент раҳнамолиги остида спорт соҳасида юритилган ишлар сиёсат мевасидир. Республика спорт ташкилотлари, хусусан миллий кураш федерациясининг ҳам айниқса мураббийлар ва спортчиларни тайёрлаш негизини услубий жиҳатдан такомиллаштиришга қўшаётган ҳиссаси эътиборга лойиқдир. Ўзбекистон полвонлар мам-

мас, балки барча истак билдирганлар учун очик ўтиши юзасидан тақдир қиринганимиз ва бу масала ижобий ҳал бўлди. Ўрни келганда шунинг ҳам айтиш лозимки, Халқаро кураш федерациясининг, бошқа турдош ташкилотлардан фарқли равишда, мураббийлар малакасини оширишда саъй-ҳаракатлари кенг. ФИЛА жаҳон мураббийлари уюшмасини ташкил этиш ваколатига ҳам эгадир. Мазкур уюшмага барча, ҳаттоки улуг ўшдаги мураббийлар ҳам аъзо бўлиши мумкин. Бу нима беради дейсизми? Масалан, федерация билан алоқада бўлиб, турли даражадаги турнирларга бориш, уюшма аъзоси сифатида барча мусобақаларни бевосита бегул томоша қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

— Ҳар йилги ташрифингиз ўқув машғулоти билан боғлиқ бўлди. Семинар мавзуларида бироз тўхталиб ўтсангиз. — Ҳар бир вилоятдан келган мутахассислар билан биргаликда бугунги кунда спорт курашларида доир барча масалаларнинг қамраб олинган десам бўлади. Айтиш керакки, мусобақалар қоидаларига ўзгаришлар киритилган бўлса, уларни жорий этишда асосий масъулият мураббийлар зиммасига юклатилди. Бу дегани, улар барча янгиликлардан бохабар бўлишлари шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси ва миллий кураш федерациясига ўқув машғулотлари фақат тақдир этилганларга

Пойтахтимиз меҳмонлари

Степан Казарян:

«ЎЗБЕКИСТОН АЛПЛАР ЮРТИ»

лақати дея ном таратаётгани бежиз эмас. Мамлакатингиз дунёга кўплаб олимпиада чемпионоларини, жаҳон, Европа, қитъа чемпионоларини етиштириб берди.

— Бу йилги ташрифингиз ўқув машғулоти билан боғлиқ бўлди. Семинар мавзуларида бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳар бир вилоятдан келган мутахассислар билан биргаликда бугунги кунда спорт курашларида доир барча масалаларнинг қамраб олинган десам бўлади. Айтиш керакки, мусобақалар қоидаларига ўзгаришлар киритилган бўлса, уларни жорий этишда асосий масъулият мураббийлар зиммасига юклатилди. Бу дегани, улар барча янгиликлардан бохабар бўлишлари шарт. Шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон миллий олимпия кўмитаси ва миллий кураш федерациясига ўқув машғулотлари фақат тақдир этилганларга

ция билан алоқада бўлиб, турли даражадаги турнирларга бориш, уюшма аъзоси сифатида барча мусобақаларни бевосита бегул томоша қилиш ҳуқуқини қўлга киритади.

— Ҳар йилги ташрифингиз ўқув машғулоти билан боғлиқ бўлди. Семинар мавзуларида бироз тўхталиб ўтсангиз.

— Ҳар йилги ташрифингиз ўқув машғулоти билан боғлиқ бўлди. Семинар мавзуларида бироз тўхталиб ўтсангиз.

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг аса тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Уйлаимизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА



Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) меъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган йирик илмий-маърифий марказнинг аса тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуанинг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутди.

Уйлаимизки, мамлакатимизда бу улуг ва савобли ишга ўз ҳиссасини қўшиш ниятида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саҳovatпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАКАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ: СТМР: 206849483 МФО: 00423 Ҳ/р: 20212000604589442001 АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

БЕРЛИНДА ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ НАМОЙИШИ

БЕРЛИНДА «ITB-2007» ХАЛҚАРО САЙЁҲЛИК ЯРМАРКАСИ НИХОЯСИГА ЕТДИ. ДУНЁДА МАЗКУР Йўналишдаги АНЖУМАНЛАРИНИНГ ЭНГ ЙИРИГИ Бўлган БУ ЯРМАРКАДА ЖОРИЙ ЙИЛДА 184 МАМЛАКАТДАН КЕЛГАН 11 МИНГДАН ЗИЁД ФИРМА ВА КОМПАНИЯЛАР ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

41-бор ўтказилган «ITB-2007» жаҳондаги энг йирик кўрғазма мажмуаларидан — «Мессе Берлин»да жойлашди. Журғофий ва мавзу жиҳатдан 26 та павильонга ажратилган ярмаркада сайёҳлик соҳасининг ривожланиш тамойиллари, дунё сайёҳлик компанияларининг миқозларга кўрсатаётган турфа хил хизматлари тўғрисидаги маълумотлар намойиш этилди. Анжуманга ташриф буюрганлар, жумладан, авиакомпаниялар ва меҳмонхоналар хизматларидан тортиб, автотранспорт ижарасигача бўлган масалалар юзасидан тўлиқ ахборот олиш имконига эга бўлди.

Мамлакатимиз номидан ушбу нуфузли тадбирда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ҳамда қатор сайёҳлик фирма ва агентликлари иштирок этди. Миллий услубда безатилган юртимиз экспозициясида Ўзбекистонда мавжуд бўлган сайёҳлик йўналишлари, халқимизнинг бой маданий, тарихий ва маънавий мероси, мамлакатимиздаги тарихий обидалар тўғрисидаги батафсил маълумотлар намойиш этилди. Сайёҳларга кўрсатилувчи хизматлар борасида анчайин талабчан бўлган германияликларда Ўзбекистондаги экология ва тоғ сайёҳлиги имкониятлари алоҳида қизиқиш уйғотди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизга ҳар йили ташриф буюраётган хоржий сайёҳларнинг қарийб 25 фоизини айнан Германия фуқаролари ташкил этади.

— Жаҳондаги энг йирик сайёҳлик ярмаркасида Ўзбекистон вакилларининг иштирок этиши мамлакатимизнинг сайёҳлик саноати катта имкониятларга эга эканидан далолат беради, — дейди Германиянинг «Вентус Райзен ГбМХ» компанияси бош директори Регина Хербертц хоним «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан сўхбатда. — Мазкур анжуман давомида биз Ўзбекистонлик ҳамкорлар билан келишган ҳолда Германияда «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг реклама-ахборот офисини очишга қарор қилдик. Биз европалик ва, жумладан, германиялик саёҳатчилар орасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик маҳсулотларини фаол тарғиб этиш ниятидамыз.

«V.I.P Reise Magazine» сайёҳлик журнали бош муҳаррири Дирр Якобсоннинг фикрига кўра, «ITB-2007» Германия турагентликлари учун Ўзбекистон сайёҳлик инфратузилмаси ривожига фаол иштирок этиш учун янги имкониятлар яратди. — Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкентдаги тарихий ёдгорликлар, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва кўп асрлик маданий мероси мамлакатнинг энг ёрқин хусусиятларидан бўлибгина қолмай, балки Германия фуқаролари орасида Ўзбекистонга нисбатан билдирилаётган қизиқишнинг тобора ортишига сабаб бўлмоқда, — дейди германиялик журналист. — Бу йилги ярмаркада иштирок этган сайёҳлик саноати мутахассисларининг сони мисли кўрилмаган даражага ташкил этди. Бу эса ўзбекистонлик сайёҳлик компанияларига хоржий ҳамкасблар билан бевосита алоқа ўрнатиш учун кенг имконият яратди.

Анжуман доирасида меҳмонлар эътиборига мамлакатимизнинг бугунги ҳаёти, иқтисодий тараққиёти, халқимизнинг маънавий ва тарихий мероси, бекиёс урф-одат ва анъаналари ҳамда кадриятлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм ҳавола этилди.

«Жаҳон» АА, Берлин

Наврўз мушоираси

Жуманиёз ЖАББОРОВ, Ўзбекистон халқ шоири ЗИЛЛАРИНГДАН

Наврўзим, ўргилай жамолларингдан, Осмонинг, офтобинг, ҳиллоларингдан.

Дилларга бахш этур бир дунё орзу, Тоғларинг, боғларинг, ниҳолларингдан.

Гўзаллик маскани Ўзбекистоним, Баҳралар олурман зиллоларингдан.

Адиллар бағрида алвон табассум. Лолалар уфурган шамолларингдан.

Юр, жоним, наврўзим бағрин кезайлик, Завқ олиб дилрабо саволларингдан.

Наврўзим кўрқидан яйра, диёрим, Янгрисин қўшиқлар камолларингдан.

КўНГУЛ ИЧИНДА

Булбул нола қилур юз гул ичинда, Ёрим ишқи яшнар кўнгул ичинда.

Муҳаббат, илтижо унда лиммо-лим, Ки бундоқ нағма йўқ булбул ичинда.

Қанот бергай кўнгулга турфа оҳанг, Беҳад мақбул бўлиб мақбул ичинда.

Нафис куйдан сафо олгай баҳорим, Ажиб оҳанг ила машғул ичинда.

Рақсан яйрангиз дилбар гўзаллар, Тўлиқ ойдек қаро кокул ичинда.

Ёрим, зулфинг иси оламини тутмиш, Қиёс йўқ унга ҳеч сунбул ичинда.

Сенинг кўнгулинг олиш, дилбар, муаммо,

Бу иш мушкул эрур мушкул ичинда.

ҲАМАЛ КЕЛДИ

Баҳор келди, Наврўз келди, ҳамал келди, Дов-дарахту экинларга амал келди.

Диёримда Наврўз бутун, байрам бутун, Кўнгул уйин равшан этиб, ғазал келди.

Боғларга юр, тоғларга юр, яйра кўнгул, Наврўз фаслим ҳар ғалгидан гўзал келди.

Ошиқларнинг таронаси дил яйратар, Ҳар кўнгулга ишқ аталмиш машғал келди.

Осмонимнинг қубасидир олтин кўёш, Нурлар сочиб, дилни очиб ял-ял келди.

Ёшлик тўйи, севи тўйи Наврўз эрур, Ер юзига тўшаб яшил баҳмал келди.

Яйраб кетди, сайраб кетди она элим, Мева-чева, дарё-дарё асал келди.

Наврўз кезар Ўзбекистон хуснин очиб, Хушхабарни бизга нурдан аввал келди.

ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР КўЛАМИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ. БУ БОРАДА БИР ҚАТОР ҲУКУМАТ ҚАРОРЛАРИНИНГ ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ СОҲАДА ТУБ БУРИЛИШ ЯСАДИ. ЭНДИЛИКДА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ СОҲАСИДАГИ ЮКСАЛИШЛАР ЮРТДОШЛАРИМИЗ УЧУН РУҲИЙ МУВОЗАНАТИНИНГ БОШ ОМИЛИ, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИ БЕЛГИЛАЙДИГАН ТИЗИМ СИФАТИДА РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА.

Бинобарин, ўсиб келаётган ёш авлодни кадрларимизга ҳурмат, халқимизнинг бой миллий меъросига эҳтиром руҳида тарбиялаш глобал ўзгаришларни бошидан кечираётган бугунги кунимизда муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода пойтахтимиздаги Хайридин Калонов номидаги компьютер технологиялари касб-хунара коллежида бу борада олиб борилаётган ишларнинг салмоғи, эътиборли жиҳатлари билан ажралиб туради.

Мазкур илм масканида 331 нафар ўқувчи компьютер технологияларига ихтисослашган ўқув дастурлари асосида таълим олади. Уларга 25 нафар узоқ йиллик таърибага эга бўлган педагог кадрлар таълим беришади. Ўқув жараёни ягона тизим—компьютер технологияларига йўналтирилган боис ўқувчиларнинг ҳар томонлама етуқлик пиллапоаяларига қадам босишлари учун етарлича шарт-шароит яратиб беришни коллеж маъмурияти ўзининг масъулияти бурчи деб билади. Ана шу эҳтиёж самараси ўларок ўқув йили давомида «Алишер Навоий—миллат қўёши», «Ибн Сино ва фан», «Берунийнинг ақл машъали», «Беҳзод яратган мусаввирлик мактаби» сингари маънавий—маърифий тадбирлар катта тайёргарлик билан ўтказилиб келинмоқда.

— Кўн билан илм олиш ва маънавият кўшканот тушунчалардир, — дейди Х. Кало-

Маънавият МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРГА ЭҲТИРОМ

нов номидаги компьютер технологиялари касб-хунара коллежи раҳбарининг Маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Гулсум Маҳмудова биз билан сўхбатда. — Негаки ерга қадалган уруғ униб чиқмай, ундан самарали ҳосил қилиш учун ернинг мелиоратив ҳолати меъёрида бўлиши талаб этилгандек, маънавият ҳам илм олишда ўқувчи учун шу қадар қўлтуғ тушунча. Негаки, ўтмишда яшаб ўтган болларимизнинг ибратли ҳаёт йўли, бой илмий меросидан хабардор бўлиш туриб, том маънодаги коммуналлик, илмининг юксак поғоналарини забт этишга киришиб бўлмайди.

Дарҳақиқат, ўқув маскани миқёсида ўтказиладиган ҳар бир маънавий-маърифий тадбирларнинг ўзига хос тарзда ташкил этилишида Мохина Алинова, Татьяна Сервенокко, Лариса Мамекулова, Гяляна Забялова сингари бир қатор устоз-мураббийларнинг ҳиссаси бекиёс. Айтиш жоизки, ҳозирги куннинг энг муҳим муаммоларидан бири гивандлик ҳисобланади. Буни яхши англаган коллеж маъмурияти ва ўқитувчилари жамоаси айнан шу мавзу атрофида бир қатор тадбирларни ўтказиб келмоқда. Айниқса, Юнусобод туман прокурори ёрдამчиси Ф.Азаматова, участка ноизи, капитан У.Юсупов ва соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари билан учрашувлар, «Гивандлик—аср вабоси», Маънавий кадриятлар — гивандликка қарши», «Соғлом турмуш тарзи—келажак пойдевори» каби семинар-тренинглр ўқувчи-ёшларнинг дунёқараши шаклланишида ўзига хос тарбия омилли бўлиб хизмат қилади.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТДА: Х. Калонов номидаги компьютер технологиялари касб-хунара коллежидаги ўқув жараёнидан лавҳа. Г. Маҳмудова олган сурат


Бўш вақтингизда

«НАВРЎЗ» КРОССВОРДИ

Шакл ёйлари бўйича марказ томон: 1.Серблар, хушбўй кўкат. 2.Уруғи нонга кўрк берувчи ўсимлик. 3.Юк ортилган транспорт қатори. 4. Подачи анжони. 5.Хўл мева. 6.Сўлим маскан, чаманзор. 7.Тансиқ миллий нон тури. 8.Кўйнинг зотдор, маҳсулдор зоти. 9.Иил фасли. 10.Боқиладиган сайроқи қуш. 11.Дехқончилик қуроли. 12.Ноз-неъмат бунёдкори. 13.Ибратли, ўрнат. 14.Яшнаган, обод маскан. 15. Бутун олам, мавжудот. 16.Яхши, муносабати яқин. 17.Илдиз-меваги сабзавот экини. 18.Гул шайдоси, сайроқи парранда. 19.Бино остида хона. 20.Айём қувончи. 21.Йилнинг маълум вақтида амалга ошириладиган меҳнат даври. 22.Танаси бута ҳолида ўсувчи хўл мева. 23.Бахт асоси, бунёдкорлик. 24.Узум нави. 25.Бола-лар ўйини. 26.Воқеа-ҳодисанинг илк, бошланиш даври. 27.Баҳорий шодиёнадан юзага келувчи ҳузур-халоват ҳисси. 28.Кўклам элчиси, қуш. 29. Терак дарахтининг тўпгули. 30.Қўшлар овланадиган анжом.

Энди шаклнинг айланаларидаги харфларни соат мили йўналишида ўқин. Бунда улардан табрик сўзларини билиб олишга муваффақ бўласиз.

Кроссвордининг жавоб сўзлари асосида қуйидаги рақамлар жуфтини (биринчиси сўз, иккинчиси харф тартибидан) аниқлашди. 1-2: 3-2; 24-3; 19-2; 5-4; 27-3; 10-5; 11-5; 21-1; 28-2. Улардан азалий шарқона баҳор айёми аниқ далиллар билан баён этиб берилган ўрта аср риёзат, фалакиёт олимиди, файласуфи, ҳақим ва мутафаккир шоир Умар Хайём ёзиб қолдирган асарининг номи аён бўлади.



Фозилжон ОРИПОВ тузди.

# «ТОШАВТОБУСТРАНС»

**акциядорлик  
компанияси жамоаси**

азим пойтахтимиз аҳли  
ва меҳмонларини уйғониш,  
яшариш ва янгилашни фаслининг  
шукуҳли байрами —

## Наврўзи олам

билан энг эзгу  
тилакларни билдирган ҳолда  
табриклайди.

Барчангизга сўҳат-саломатлик,  
бахорий кайфият  
ва омад ёр бўлсин.

### Қадрли ҳамшаҳарлар, пойтахтимиз меҳмонлари!



## МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИ ЖАМОАСИ


Сизларни кириб келаётган нафосат,  
гўзаллик, яшариш айёми —  
Наврўзи олам байрами

билан чин дилдан  
мувораққод этади.

Дилларимизни покиза ниятлар, бир олам шодлигу  
қувончга тўлдирувчи бу қутлуғ айём  
юртимизга тинчлик,

осойишталик,  
хонадонларимизга файзу  
барака, тўқинлик,  
бахт ва саодат олиб  
келсин.

Байрам кунларини шодиёна  
ва мазмунли ўтказиш, мароқли  
дам олиш учун боғимизга  
марҳамат қилинг.



### Тадбирлар

## НАВРЎЗИНГ МУБОРАК, МАҲАЛЛАДОШ

**БУГҮН ЎЛКАМИЗ АЖИБ ФАЙЗУ  
ТАРОВАТГА БУРКАНГАН. КЎНГИЛЛАРДА  
БИТМАС-ТУГАНМАС СЕВИНЧ, ЮРАКЛАР  
ЯХШИЛИККА, ЭЗГУЛИККА ҲАМОҲАНГ  
УРМОҚДА, ШИРИН КАЛОМ, БИР ЧИМДИМ  
МЕҲР БИЛАН ИНСОНЛАР БИР-БИРИНИ  
СИЙЛАМОҚДА.**

Кун кеча ажиб тароватли кунлар шуқронаси сифатида Мирзо Улуғбек туманидаги «Олтинтепа-5» маҳалла гузариди карнай-сурнай навалари янграб барчани ўз бағрига қорлади. Чиройли байрам дастурхонини кўк сомсаю чучвара, бахорий таомлар гултожи сумалак беади. Майин баҳор шамоли, гулу ялғизларнинг хушбўйларидан нафақат маҳалла, гўёки бутун олам яшнаб кетди.

Туман ҳокимлиги ва маҳалла ҳамкорлигида ёзилган байрам дастурхони атрофига 250 нафардан ортик кексаю ёш, кўмакка муҳтож оилалар, уруш ва меҳнат фахрийлари таклиф этилиб бир

пиёла чай устида дилдан сўҳбат қуришларига имкон яратилди.

— Наврўз айёмида туманимизнинг ҳар бир гўшасида уюштирилаётган байрам тадбирлари «Юлдуз» маданият уйи бадий хаваскорлари ва «Водий» халқ дастасининг хушовоз хонандалари иштирокисиз ўтмайди,— дейди туман «Юлдуз» маданият уйи раҳбари Гулҳебра Йўлдошева.— Ниятимиз халқимиз қувончига қувонч қўиш, жозибали ракс, дилрабо қўшиқлар билан улар кўнглини янада кўтариб завқ улашишдир.

Қадр-қиммат, хайру саховат айёмида ўтказилган ушбу тадбирда қатнашчиларга байрам совғалари ҳам улашилди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

## БОЛАЖОНЛАР ЯЙРАДИ

**КУНИ КЕЧА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОЛАЛАР КУТУБХОНАСИДА  
ШАҲРИМИЗДАГИ 23- МЕҲРИБОНЛИК УЙИ  
ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН «НАВРЎЗИНГ  
МУБОРАК, БОЛАЖОН» МАВЗУИДА ХАЙРИЯ  
ТАДБИРИ ЎТКАЗИЛДИ.**

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Болалар кутубхонаси ҳамкорликда ўтказдилар.

— Наврўз Ўрта Осиё халқларининг бахорий байрами, қадим замонлардан бизгача етиб келган кадрятларимиздан биридир,— дейди мазкур кутубхона директори Фотима Бухарова. — Кутубхонамизда ўтказилаётган тадбирлар замирида саховат, эзгулик биринчи ўринда туради. Бизнинг жамоамиз эса энг беғубор, беозор қалб эгаси бўлмиш болажонлар билан иш олиб боради. Наврўз айёми муносабати билан уюштирилган бу тадбир ҳам кўнгли кемтик болажонлар қувончи йўлида ташкил қилинди. Ҳомийларимиз беминнат саховат кўрсатиши Бундан жудаям мамнунмиз.

Хайрия тадбири доирасида «Ҳаёт» ёшлар театри актёрлари жамоаси ҳам ўзларининг энг сара томошаларини болажонлар ҳукмига ҳавола этдилар.

Истардикки, кўнгли ўқсик болаларга қувонч ва шодлик улашадиган олижаноб, меҳр-оқибатли, бағри очик, саховатли инсонлар кўпаяверсин. Эзгулик ва қадр доимо тантана қилсин.

Гулҳебра ДУРДИЕВА

## КЎКЛАМ ТАОМЛАРИ

Ҳаммамиз учун сеvimли ва ардоқли Наврўз айёми бошланиши билан баҳор неъматларидан Наврўз таомлари тайёрлашга киришамиз. Албатта сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучвараю варақилар дастурхонимиз кўрки бўлиши билан бирга бундай таомларнинг инсон саломатлигига қанчалар зарур ва фойдали эканлигини билмайдиган одам бўлмас керак. Баҳор келиши билан шифобахш кўкатлар— жағ-жағ, исмалоқ, отқулоқ, ялғиз, кўк пиёз ёмғирдан сўнг кўм-кўк бўлиб буй чўзган палла. Хозир мана шундай кўкатлардан сомса, чучвара, варақи ва бошқа таомлар тайёрлашнинг айна вақти. Чунки киш фаслидан толиқиб, қувватсизланган инсон организми учун бундай таомлар дармондори ҳисобланади.

### КЎК СОМСА

1 килограмм ун, 2 стакан сув, 1 та тухум, 60 грамм ўсимлик ёғи, 2 килограмм ҳар хил кўкатлар. 100 грамм думба ёғи. 2 боғ кўк пиёз, 4 та оқ пиёз, туз, мурч, зира.

Думба ёғи, туз, зиравор, тўғралган кўкатларни аралаштириб қийма тайёрлайсиз. Илиқ тузли сувда ҳамир қорасиз. Бир неча дақиқага тиндириб қўясиз. Сўнгра 50 граммли зувалчалар тайёрлаб, уни жувада бир қаватли қилиб ёясиз. Ҳар бир жилдга ошқуқлардан тайёрланган қиймадан солиб сомса тугасиз ва газ духовкасида ўрта оловда пиширасиз.

### КЎК ЧУЧВАРА

500 грамм ун, кўклардан 1 килограмм, 100 грамм пиёз, 1 боғ кўк пиёз, 150 грамм думба ёғи, туз, мурч.

Қиймага отқулоқ, жағ-жағ, исмалоқ, ялғиз, қоқи ўт, кашнич, кўк пиёз, оқ пиёзни майда тўғраб, думба ёғида аралаштирилади ва қизиб турган ёғда қовуриб олинади. Сўнгра ҳамирдан жилд ясаб тайёрланган кўк қиймадан солиб чучвара тугасиз. Чучвараларни қайнаб турган тузли сувда пишириб олиб устига сметана суртиб дастурхонга тарта-сиз.



### Биласизми?

## БАЙРАМ УДУМЛАРИ

Қадимда Шарқ мамлакатларида Наврўз кун буйи етган қизлар бир жойга тўпланишиб чиройли гулчамбарлар ясашган. Булоқдан кўзаларда сув келтириб, кўза ичига узук ва тақинчоқларини ташлашган. Сўнгра лапарлар остида сувдан нишонларни чиқариб олишган. Чиққан тақинчоқларга қараб қизлар ўз тақдирларини билишга ҳаракат қилганлар.

Наврўз кунлари боғдаги азим ўрик дарахтларига арқон солиб арғимчоқ ясашган. Қиз-жувонлар йиғилиб навбатма-навбат арғимчоқ учганлар. Аёллар арғимчоқни баландлатиб учишга ҳаракат қилганлар. Сабаби Наврўз кун арғимчоқ учаётганда дарахтнинг энг ба-

ланд шохидида баргчалардан узиб олган қиз-жувонлар бахтли ҳисобланганлар.

Наврўз таоми бўлган сумалак пишириш пайтида фарзанд кутаётган ёки фарзанд аёлларга бугдой майсаси берилган. Улар келаётган йилда фарзандлик бўлиш орзусида майсани зираклари ёки кулоқларига тақиб олишган.

Эгизак фарзандлар улғаяётган оилادا яхши ният қилиб ҳар йили кўкламда сумалак пишириб кўни-қўшниларга тарқатилган. Чунки ҳафтада 1 марта яхши ҳордиқ чиқарадиган, йилда эса бир маротаба сумалакка тўйган одам сира касал бўлмас эмиш.



**МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР  
ҲСКИМЛИГИ**  
Буюртма Г- 206

Бош муҳаррир  
Акmal АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,  
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба  
ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,  
офсет усулида босилади.  
4398 нусxada босилди.  
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бунча гузар  
жойлардаги почта бўлимига еки «Тошкент  
почтамти»га — 133-74-05 телефонига мувожаат  
қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер  
марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашрийет-матбаа акциядорлик компанияси босмахоноси.  
Корхона манли: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.